
БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Коронавирус касаллиги тарқалишининг олдини олиш барча тизим вакилларида бирдамлик ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш талаб этилади. Ушбу тамойилга амал қилган ҳолда Фарғона туман ҳокимлиги, Фавқулотда вазиятлар бошқармаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, Ички ишлар бошқармаси, Миллий гвардия ва мудофаа бўлинмлари ҳамда тиббиёт бирлашмаларидан мутахассис ва ходимлардан иборат гуруҳлар тузилиб, жойларда кучайтирилган назорат ўрнатилди. Узлуксиз равишда белгиланган чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти. Хусусан, куни кеча 10 дан зиёд шахсий таркиб ҳамда қатор махсус техника жалб этилган ҳолда туман бўйлаб кенг қамровли дезинфекция ишлари ўтказилди. Бу борада дезенфектор Аъзамжон Болтабоев бошқаларга ибрат бўляпти. Бугунги кун барчамиздан ўз ишимизга масъулият билан ёндошишни тақозо этипти. Бугун биз ким бўлишимиздан қатъий назар ҳалол пок ишлашимиз. Касалликларга қарши курашишда бир бўлишимиз зарур. Бу борада Абдулқосим Маҳмудов, Нафосатхон Ҳомидова, Наврўза Отабоева, Гулҳаё Раҳмиддинова, Шохсанам Юнусова сингари ҳамкасбларим ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришяпти. Биз билан бирга меҳнат қилаётган 60 нафар кўнгиллилар ҳам балони даф этишда катта меҳнат қилишяпти дейди, - Аъзамжон Болтабов.

Ҳа, бугун касалликка қарши мардона курашаётган фидойи шифокорларимизга, коронавирус пандемияси шароитида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳаётини асраш, инфекцияни жиловлash, хасталикни олдини олишда ҳалол меҳнат қилаётган дезенфекторлар ва кўнгилли ёшларга ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди. Улар чиндан-да бугунги кунимиз қаҳрамонларидир.

2020-07-29 11:04:17